

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАХМУДОВА МУШАРРАФ МИРРАХМАТОВНА

**МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБА ҚИЗЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Махмудова Мушарраф Миррахматовна

Миллий спорт турини кўллаган ҳолда олий таълим муассасалари талаба кизларининг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш..... 5

Махмудова Мушарраф Миррахматовна

Совершенствование физической подготовки студенток высших образовательных учреждений с применением национального вида спорта..... 27

Maxmudova Musharraf Mirraxmatovna

Improving the physical training of female students of higher educational institutions using a national sport 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАХМУДОВА МУШАРРАФ МИРРАХМАТОВНА

**МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ ҚўЛЛАГАН ҲОЛДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБА ҚИЗЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2. PhD/Ped.255 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uz-djtsu.uz ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халмухамедов Рустам Деканович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Усманходжаев Талъат Саидович
педагогика фанлари доктори, профессор

Сарибоев Шухрат Турдибекович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “16” июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-саҳифа: www.uz-djtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Д” биноси, 2-қават, 212-аудитория).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (210920- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй.

Диссертация автореферати 2020 йил “3” июль куни тарқатилган.
(2020 йил “3” июль даги 7 рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Б.Б.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда олий таълим тизимида инсоният тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучининг асосий омили, унинг барқарор ривожланиш гарови сифатида қаралади. Кўпгина давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, олий таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия машғулотида миллий спорт турлари, масалан, Кореяда таэквон-до, Японияда каратэ, Таиландда муай-тай, Россияда кўл жанги, универсал жанг, Америкада кикбоксинг, Хитойда ушу туридан кенг фойдаланилади. Улар ёшларнинг саломатлигини барқарорлаштириш ва яхшилаш, уларда соғлом турмуш тарзига эҳтиёжини шакллантириш учун хизмат қилади. Уларнинг ҳар бирида жанг санъатининг ўзига хос турлари, техника ва тактика мавжуд бўлиб, замонавий ёшларнинг эътиборини тортмоқда ва улар орасида кенг оммалашмоқда. Ўзбек жанг санъати ҳам ўзида миллий қадриятларни мужассам этган спорт тури сифатида ёшлар орасида анча оммалашган.

Жаҳонда Олий таълим муассасалари талабалари организмини ривожланиши ҳамда жисмоний тарбия машғулотларини уларнинг жисмоний тайёргарлигига таъсирини ўрганиш масалаларига бағишланган тадқиқотлар етарлича бўлиб, жисмоний тарбияга ихтисослашмаган Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ўқув дарсларини ташкиллаштириш ва талабаларнинг жисмоний тайёргарлиги юзасидан спортга йўналтирилган жисмоний тарбиянинг алтернатив методикаси, спортга йўналтирилган технологиялар асосида талабаларни жисмоний такомиллаштиришни оптималлаштириш методлари ва бошқа кўплаб мавзуларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Аммо чет эллик ва мамлакатимиз мутахассисларининг тадқиқотларидан маълум бўлишича, миллий спорт турлари асосида спортга йўналтирилган спорт турлари бўйича дарс дастурини ишлаб чиқиш, миллий спорт турлари восита ва методларини табақалаштириб оқилona танлаш, жисмоний тарбия дарсларида қўллаш, шунингдек талабаларнинг жисмоний кўрсаткичлари маълумотларидан фойдаланиб, уларнинг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш жараёнини бошқариш каби масалалар долзарб бўлиб қолмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири “Миллий спорт турларини ривожлантириш ва оммавийлигини ошириш, уларни Осиё ва Олимпия ўйинлари дастурларига киритиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш” ҳисобланади¹. Ўзбек жанг санъати миллий спорт тури аждоқларимизнинг буюк мероси бўлиб, темурийлар жанг санъатининг замонавий кўринишидир. Ўзбек жанг санъатини ўрганишдан мақсад – ёш авлоднинг жисмоний тайёргарлигини ошириш, мардонавор аждоқларимиз эгаллаган яккакураш элементларини ўрганиш асосида ўзбек халқи тарихи, санъати ва анъаналарига қизиқиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сонли фармони

уйғотишга қаратилгандир. Таъкидлаш жоизки, спортга йўналтирилган миллий спорт турларини айниқса, қизлар орасида ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишлари ўтказилмаган ва талаба қизларнинг жисмоний ривожланиши ва функционал тайёргарлигига таъсири ҳам ўрганилмаган. Ўзбек жанг санъати восита ва методларининг соғломлаштирувчи йўналиши, ҳаракат сифатларига таъсири ва индивидуаллаштириш белгиларига кўра табақалаштирилмаган. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия жараёнини такомиллаштириш ва талабаларнинг жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлаш эҳтиёжи билан спортга йўналтирилган миллий спорт турларининг илмий асосланган дастурий-методик таъминотни ишлаб чиқилишига зарурият борлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сонли “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Ижтимоий, маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган бешта муҳим ташаббус” ва бошқа мазкур соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг: I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши бўйича амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қўйилган муаммоли вазифалар нуктаи назаридан етакчи назариётчи олимлардан Р.Д.Халмухамедов, Ш.Х.Ханкелдиев, И.А.Кошбахтиев, А.Н.Абдиев, Ф.А.Керимов, М.Н.Умаров, Ш.Курбанов, Э.А.Сейтхалилов, Р.С.Саломов, Т.С.Усманходжаев, Ю.М.Юнусова, В.А.Масляков, В.С.Матяжов, D.Sugden, M.Talbot олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия самарадорлигини ошириш, янги педагогик усуллар ва замонавий ўқув-услугий қўлланмалар ишлаб чиқиш, таълим мазмунини яратиш ва муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайдилар². М.Н.Умаров, А.К.Эштаев, М.Х.Алимова, Р.С.Саломов, Э.А.Сейтхалилов ва Б.Б.Мусаевлар тадқиқот ишларида жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган ўқув

² Халмухамедов Р.Д. Технология подготовки единоборств на этапах годового цикла. Дис... д-ра. пед. наук. - Т.: УзГИФК, 2009. -303 с.; Ханкельдиев Ш.Х. Педагогические особенности физического воспитания учащейся молодежи в регионах с жарким климатом.: Автореф. дис... д-ра. пед.наук.- М., 1991.- 47 с.; Кошбахтиев И.А. Научно педагогические основы совершенствования физического воспитания студентов: Дис... д-ра пед.наук. -Т., 1993.-205 с.; Керимов Ф.А, Умаров М.Н. Спорта саралаш, прогностлаштириш ва моделлаштириш. ЎзДЖТИ нашриёт матбаа бўлими. 2005. -279 б.; Курбанов Ш. Сейтхалилов Э.А. Национальная программа по подготовке кадров - основа достижения стратегической цели. - Т.: Медицина, 2000. - 137 с.; Salomov R.C., Kerimov F.A. Jismoniy tarbiyada pedagogik texnologiyalar (O'quv qo'llama). T.: O' zDJTI nashriyot - matbaa bo'limi, 2009. -139 b.; Усманходжаев Т.С, Акрамов Ж.А., Усманходжаев С.Т. Физическое воспитание. Учебное пособие для академических лицеев и профессиональных колледжей. Издательско-полиграфический дом «O'QITUVCHI». Ташкент. 2006. -206 с.; Юнусова Ю.М. Теория и методика физической культуры. - Т.: Iqtisod-Moliya, 2007. - 311 с.; Sugden D., Talbot M. Physical Education for Children with Special Needs in Mainstream Education. Leeds Metropolitan University & University of Leeds, on behalf of Sports Council, 2011.

юртлари ва жисмоний тарбия факультетлари учун таълим ва тарбиянинг янги, самарали педагогик технологиялари асосида юқори малакали ва касбий билимдон мутахассисларни тайёрлаш услубиятини ишлаб чиққанлар³.

Олий таълим муассасалари талабалари учун спортга йўналтирилган жисмоний тарбия масалалари бўйича чет эл олимларидан С.В.Радаева, А.В.Козлов, В.К.Бальсевич, Л.И.Лубышева, В.М.Шулятьев, мамлакатимизда Д.К.Исмагилов олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия дарсларига спортга йўналтирилган спорт турларини жорий этиш бўйича, Я.Ч.Даниева эса халқ ҳаракатли ўйинлари воситаларидан фойдаланиш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар⁴. Бироқ, уларнинг ишларида, ихтисослашмаган олий ўқув yurtлари талаба қизларининг ҳаракат қобилиятларини оширишда, уларнинг ҳошиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Бугунги кунда талаба қизларнинг жисмоний тайёргарлиги илмий методик адабиётларда жуда муҳим муаммо сифатида кенг муҳокама қилинмоқда. Қайд этиш зарурки, талаба қизларнинг жисмоний тайёргарлигини спортга йўналтирилган миллий спорт тури воситалари ёрдамида такомиллаштириш бўйича илмий асосланган ишланмалар йўқ. Ушбу вазифалар диссертация ишининг танлаб олинган йўналишлар бўйича умумий тушунча ва долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг назарий-усулий асослари, уни янгилаш тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ўзбек жанг санъатининг такомиллаштирилган комплекс машқларидан мақсадли фойдаланиш асосида олий таълим муассасалари талаба қизларини жисмонан тарбиялаш жараёнини оптималлаштириш йўллари белгилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

олий таълим муассасалари талаба қизларининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашнинг замонавий методларини ва уларни жисмоний тарбиялаш методикасини ўрганиш;

³ Умаров М.Н., Эштаев А.К. Программные требования гимнастики и технология их распределения по годам обучения. Методическое по-сobie. Т.: 2009. -124 с.; Алимova М.Х. Профессиональная ориентация молодежи и профессиональное становление кадров //Фан-спортга. -Ташкент, 2007.- №4. - С.3-8.; Саломов Р.С. Спорт машғулотларини назарий асослари.-Т.: ЎзДЖТИ, 2005. - 238 с.; Сейтхалилов Э.А. Государственные образовательные стандарты - основа обеспечения оздоровительной направленности учебно-воспитательного процесса. Журнал. Педагогик таълим. - Ташкент, 2003.-№2. С. 6-9.; Мусаев Б.Б. Олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг гимнастика бўйича касбий-педагогик кўникмаларини шакллантириш: Дис.... п.ф.н. -Т., 2011-8-91бет.

⁴ Бальсевич В.К. Конверсия высоких технологий спортивной подготовки как актуальное направление совершенствования физического воспитания и спорта для всех // Теор. и практ. физ. культ. -1993.-№4.-С.21-23; Лубышева, Л.И. Современные подходы к формированию физкультурного знания у студентов вузов /Л.И. Лубышева // Теория и практика фи-зич. культуры. 1993. - № 3. - С. 19-21; Радаева С.В. Физическое воспитание студентов нефизкультурного вуза на основе спортивно-ориентированных технологий: Автореф. дис... канд. пед. наук. Красноярск, 2008. 24 с.; Козлов А.В., Шулятьев В.М. Социологический анализ спортивных предпочтений студентов как фактор эффективного построения образовательной программы по физическому воспитанию в международном ориентированном университете // Теория и практика физической культуры. 2016.-№2.-С.48-50; Исмагилов. Д.К. Разработка методов оптимизации физического совершенствования студентов на основе спортивно-ориентированного физического воспитания: Дисс., док. Филос.по пед. наук (PhD) 2018. - С. 126-131.; Даниева.Я.Ч.Даниева. I-II босқич талабаларининг жисмоний тарбия дарсида халқ ҳаракатли ўйинларни кўллаш самарадорлиги: Дисс. П.ф.н. Тош., 2009. – 113-114 бет.

олий таълим муассасалари талаба қизларининг жисмоний ривожланиши ва тайёргарлиги динамикасини аниқлаш;

олий таълим муассасаларида “Жисмоний тарбия ва спорт” фани ўқув дастури бўлимларига спортга йўналтирилган миллий спорт турини киритиш йўли билан жисмоний тарбияни ташкил этиш тузилмаси ҳамда механизмларини такомиллаштириш;

ўзбек жанг санъати комплекс машқларининг олий таълим муассасалари талаба қизларининг жисмоний тайёргарлигини ривожланишига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти: олий таълим муассасалари талаба қизларининг жисмоний тарбия бўйича академик машғулотлар жараёни.

Тадқиқот предмети: ўзбек жанг санъати комплекс машқларидан фойдаланган ҳолда олий таълим муассасалари талаба қизларининг ҳаракат тайёргарлигини мақсадли ривожлантириш мазмуни ҳамда усуллари.

Тадқиқотнинг усуллари: илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, математик-статистик усуллар, инструментал усул (Polar Team²).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий ўқув юртлари учун жисмоний тарбия дастури ишлаб чиқилган бўлиб, дарсларда спорт педагогикаси тамойилларидан (жисмоний тарбия жараёнининг узлуксизлиги, юклама ва дам олишнинг ўзгариши, таълим-тарбия таъсирини кучайтириш, юклама динамикасини мослаштириб мувозанатлаштириш, машғулотларнинг циклик тузилиши ва жисмоний тарбиянинг ёш хусусиятига мослиги) изчил фойдаланиш асосида материаллар ўзлаштирилиб, унинг таълимий, соғломлаштирувчи ва тарбиявий йўналишлари асослаб берилган;

ўзбек жанг санъати комплекс машқлари асосида талаба қизларни жисмонан ривожлантиришнинг хусусиятлари (технологик, психолого-педагогик) очиб берилган;

ўзбек жанг санъатининг соғломлаштирувчи йўналишлари “Ассалом тонг” ва “Комплекс машқлар”ни (“Алпомиш”, “Бобур Мирзо”, “Тўмарис” ва бошқ.) ҳаракат сифатларига таъсири бўйича табақалаштирилган;

ўзбек жанг санъатининг комплекс машқларидан (“Ватан”, “Бердоқ”, “Амир Темур”, “Жалолiddин Мангуберди”, “Пахлавон Махмуд” ва бошқ.) фойдаланган ҳолда талаба қизларнинг функционал ҳамда жисмоний тайёргарлик даражасини оширишнинг илмий-амалий усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жисмоний тарбия фанида спортга йўналтирилган жисмоний тарбия усулидан фойдаланишда талаба қизларнинг функционал ҳолати ва жисмоний тайёргарлиги динамикаси аниқланган;

талаба қизлар учун мўлжалланган тажрибавий дастурни ўқув-машғулотлар жараёнига татбиқ этиш илмий-услубий жиҳатдан асосланган;

жисмоний тарбия дарсларида (куч, тезкор-куч, тезкорлик, эгилувчанлик ва чидамлилиқ) сифатларини ривожлантириш учун амалий

тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларнинг самарадорлиги педагогик тажрибада асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий назариялар ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва услубияти соҳасидаги чет эл, шунингдек республикамиз олимларининг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқотнинг илмий ташкил этилганлиги билан тасдиқланади. Қўлланилган тадқиқот услублари комплекс тадқиқот олдига қўйилган вазифаларга мос келади. Катта далилий материалларнинг юқори даражадаги ишончлилиги, тўғри ишлаб чиқилганлиги, таҳлил қилинганлиги, таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш усуллари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Педагогик тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, талаба қизларнинг жисмоний тайёргарлигини янада такомиллаштириш, ҳаракат фаоллигини ошириш муаммоларига тааллуқли жисмоний тарбия назарияси ва амалиёти мазмунини бойитган, кенгайтирган ҳамда миллий спорт бўйича спорт-соғломлаштириш машғулотлари бўйича назарий билимларни ўзлаштириш ва амалий кўникмани малака даражасига олиб чиқиши билан бирга, соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш орқали талаба қизларнинг саломатликни сақловчи жисмоний тарбия фаолиятига тайёрлигини шакллантиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олий таълим муассасаларида талаба қизларнинг (куч, тезкор-куч, тезлик, чидамлилиқ, эгилювчанлик) сифатларини ривожлантириш мақсадида, ўзбек жанг санъати миллий спорт турининг комплекс машқлари қўлланилиб, спортга йўналтирилган жисмоний тарбия дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий спорт турини қўллаган ҳолда олий таълим муассасалари талаба қизларининг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш юзасидан олинган назарий методологик ҳамда илмий-амалий таклифлар асосида диссертациянинг асосий натижалари:

олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия дастури ўзбек жанг санъати асосида такомиллаштирилган ҳамда комплекс машқларни талаба қизлар организмга таъсир даражаси аниқланган, спорт педагогикаси тамойилларидан изчил фойдаланиш бўйича тавсиялар “Жисмоний тарбия” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сонли буйруғига асосан 892-075 рақамли гувоҳномаси). Натижада, жисмоний тарбия дарсларида талаба қизларни жисмоний тарбиялашнинг таълимий, соғломлаштирувчи ва тарбиявий йўналишлари асослаб берилган;

жисмоний тарбия дарслари учун ўзбек жанг санъатининг соғломлаштирувчи йўналишлари ва миллий спорт тури воситалари ёрдамида

талаба қизларни жисмонан ривожлантиришнинг технологик, психолого-педагогик хусусиятлари “Жисмоний тарбия” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган ҳамда олий таълим муассасалари (ЎЗМУ, ТДСИ) жисмоний тарбия дарсларига жорий қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 октябрдаги 89-03-4205-сон маълумотномаси). Натижада, талаба қизларнинг куч сифати 8,9%, тезкор-куч сифати 7,3%, тезкорлиги 11,8%, эгилувчанлиги 8,6% га яхшиланган;

жисмоний тарбия дарсларида олий таълим муассасалари талаба қизларининг саломатлиги, жисмоний ривожланиши ва тайёргарлигига таъсир кўрсатувчи комплекс машқлар ҳаракат сифатларига таъсири бўйича табақалаштирилган ва “Жисмоний тарбия” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сонли буйруғига асосан 892-075 рақамли гувоҳномаси). Натижада, талаба қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришга йўналтирилган “Алпомиш”, “Бобур Мирзо”, “Тўмарис” ва бошқа комплекслар қўлланилгандан сўнг куч 10,1%, тезкорлик 12,6% га ошган;

талаба қизларнинг фукционал ҳамда жисмоний тайёргарлик даражасини оширишнинг назарий билим ҳамда амалий кўникмалар тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар олий таълим муассасалари (ЎЗМУ, ТДСИ) жисмоний тарбия дарсларига жорий қилинган (Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 4 ноябрдаги 03-08-08-899-сон маълумотномаси). Натижада, талаба қизларнинг тезкор-куч сифати 6,6%, эгилувчанлиги 10,2% ривожланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг “Жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти” ҳамда “Бокс, таэквондо, қиличбозлик назарияси ва услубияти” кафедраларининг кенгайтирилган қўшма мажлисида ва ЎзДЖТСУнинг илмий семинарида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий-услубий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. 195 саҳифа матнни ташкил этиб, 13 та расм, 18 та жадвал, илова ва далолатномаларни ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, мавзунинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги асослаб берилган,

диссертация мавзуси бўйича чет элда олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи баён этилган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети белгиланган, тадқиқот услублари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти, уларнинг жорий этилиши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ҳамда унинг ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбиянинг мазмуни ва ташкил этилиши (адабиётлар таҳлили асосида)”** деб номланган биринчи бобда жисмоний тарбияга ихтисослаштирилмаган олий таълим муассасаларида талаба қизларнинг жисмоний тарбия бўйича машғулотларини ташкил этиш масалалари акс эттирилган.

Адабиёт манбаалари таҳлиliga кўра шу аниқландики, жисмоний тарбия бўйича дарсларнинг асосий қисми анъанавий шакллар, усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилади. Маълум бўлишича, олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия бўйича мавжуд ўқув дастурлари талаба қизларни соғломлаштириш вазифаларини, уларнинг жисмоний сифатлари ва жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш механизмларини тўла ҳал эта олмайди.

Чет эл спорт адабиётларида олий таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия дарсларида ва спорт секцияларида спортга йўналтирилган спорт турларидан фойдаланишга катта ўрин берилгани қайд этилган.

Ҳорижлик етакчи олимлар В.К.Бальсевич (1998), Е.В.Катрич (2001), Л.И.Лубышева (2001), Т.С. Игнатенко (2008), С.В.Радаева (2008) ва бошқалар ўз тадқиқотларида шуни таъкидлайдиларки, жисмоний тарбия дарсларида спортга йўналтирилган спорт турларини қўллаш талабаларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш ҳамда жисмоний тайёргарлигини оширишга самарали таъсир кўрсатади.

Биз фойдаланган илмий-услубий адабиётлар таҳлили асосида аниқланишича, мамлакатимизда олий таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия дарсларида спортга йўналтирилган миллий спорт турларини жисмоний тарбиянинг мустақил восита, усул ва шакллари сифатида ўқув жараёнида қўллаш билан боғлиқ тадқиқотлар йўқ.

“Тадқиқот усуллари ва уни ташкиллаштириш” деб номланган иккинчи бобда тадқиқот усуллари, уни ташкил этилиши ва ўтказиш уч босқичда бўлгани қайд этилган.

Биринчи босқичда (2016-2017 ў.ў.) назарий тадқиқотлар олиб борилган, бизни қизиқтирган муаммоларга оид адабиётлар ўрганилган олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ташкил этиш бўйича мавжуд тажриба таҳлил қилинган.

Иккинчи босқичда (2017-2018 ў.ў.) мавжуд назарий маълумотларга таянган ҳолда, анкета сўровномасидан фойдаланиб, талаба қизларнинг соғлом турмуш тарзи ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига бўлган қизиқиши ўрганилган. Мазкур босқичда тасдиқловчи илмий тажрибага катта эътибор қаратилдики, унинг вазифаси талаба қизларнинг жисмоний

ривожланиши ҳамда тайёргарлик даражасининг бошланғич кўрсаткичларини аниқлашдан иборат бўлган.

Учинчи босқичда (2018-2019 ў.ў.) олий таълим муассасалари талаба қизлари учун “Жисмоний тарбия ва спорт” фанининг дастури ўрганилди ва таҳлил қилинди, ўзбек жанг санъатининг комплекс машқлари соғломлаштиришга ва ҳаракат сифатларига таъсири табақалаштирилди. “Жисмоний тарбия ва спорт” фанининг ўқув дастури спортга йўналтирилган миллий спорт тури ўзбек жанг санъатининг табақалаштирилган комплекс машқлари билан тўлдирилган.

Текширувда иккита олий таълим муассасаси – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ва Тошкент давлат стоматология институти талаба қизлари иштирок этди.

Талаба қизларнинг умумий сони 422 нафар, улардан I назорат гуруҳида (ЎЗМУ) 105 нафар, II назорат гуруҳида (ТДСИ) 106 та шунингдек, I тажриба гуруҳида (ЎЗМУ) 105 нафар, II тажриба гуруҳида эса (ТДСИ) 106 нафар талаба қизлар иштирок этди. Педагогик тажриба 2018-2019 ўқув йилида иккита олий таълим муассасаси базасида ташкил этилди. Педагогик тажриба тугагач, қўлга киритилган натижалар умумлаштирилди ва илмий мақолаларда тақдим этилди.

Диссертациянинг учинчи боби – **“Олий таълим муассасаслари талаба қизларининг жисмоний ривожланганлик ва тайёргарлиги динамикаси”**да талаба қизларни соғлом турмуш тарзи ва оммавий спорт машғулотларига қизиқишларини ўрганиш бўйича анкета сўрови натижалари баён этилган.

Талаба қизларнинг фикрига кўра, жисмоний тарбия ва спорт соғлом турмуш тарзининг асосий воситаларидан бири саналиб, у талаба қизларнинг самарали жисмоний ривожланишига ҳамда саломатлигининг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Респондентларнинг мулоҳазалари бўйича, жисмоний тарбия машғулотларида ўзбек жанг санъати, турон, кураш ва бошқаларга йўналтирилган миллий спорт турларининг қўлланилиши талаба қизларнинг жисмоний сифатларини самарали ривожлантириш ҳамда жисмоний тайёргарлик даражасини оширишга кўмаклашади. Ушбу спорт турларидан фойдаланиш, талаба қизларнинг соғлом турмуш тарзига ва оммавий спорт турлари билан шуғулланишга бўлган мотивациясини кучайтиришга хизмат қилади.

Талаба қизларнинг келажакдаги касбий фаолиятида жисмоний сифатларнинг аҳамияти тўғрисидаги фикрлари қуйидагича тақсимланди: 80% - чидамлик, 15% - куч ва тезкорлик, 5% - чакқонлик ва эгилувчанлик (1-расм).

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, жисмоний тарбия машғулотларида чидамликни ривожлантиришга ёрдам берадиган восита ва усулларни танлашга эътиборни қаратиш зарур.

Жисмоний тарбия ва спортнинг қандай турлари билан шуғулланасиз? деган саволга жавобан қизларнинг 10% қисми эрталабки гигиеник гимнастика билан, 1,5% - спорт ўйинлари билан, 2,5% - яккакураш спорт


турлари билан, 4% - фитнес билан шуғулланишини, 82% эса ҳеч қандай спорт тури билан шуғулланмаслигини маълум қилган.



1-расм. Талаба қизларнинг келажакдаги касбий фаолиятида жисмоний сифатларнинг аҳамияти (%).

Қандай спорт малакасига эгасиз? деб берилган саволга жавобан 4 нафар талаба қизлар спорт устаси ва спорт усталигига номзод эканлиги, 417 нафар талаба қизлар ҳеч қандай спорт тоифасига эга эмаслиги аниқланди.

Ўз таълим муассасангиз базасида қандай спорт тури билан шуғулланишни истардингиз? саволига – 18% талаба - қизлар спорт ўйинлари билан (баскетбол, волейбол, футбол), 12% - яккакураш спорт турлари билан (карате, таэквондо), 45% - миллий спорт турлари (ўзбек жанг санъати, кураш, турон ва бошқ.), 25% - фитнес, шейпинг, аэробика ва бошқалар билан, деб жавоб берганлар (2-расм).



2-расм. Респондентларнинг таълим муассасасида турли спорт турлари билан шуғулланиш истаги ҳақидаги фикрларини сўров натижалари (%).

Анкета сўрови натижалари асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин: талаба қизлар миллий спорт турлари билан шуғулланиш, шунингдек соғломлаштирувчи гимнастикага (фитнесс, шейпинг, аэробика ва бошқ.) катта қизиқиш билан қарайдилар.

Тадқиқот олиб борилаётган талаба қизларнинг жисмоний ривожланиши даражасини баҳолаш мезонларидан бири – бу антропометрик кўрсаткичлар ҳисобланади (1-жадвал).

Иккала гуруҳ (ЎЗМУ-I, ТДСИ-II) талаба қизларининг антропометрик кўрсаткичлари бўйича олинган натижалар шундан далолат берадики, бўй-вазн кўрсаткичларида жиддий тафовут бор, масалан, I гуруҳда тана узунлиги

$\bar{X}=161,2\pm 3,8$, II гуруҳда $\bar{X}=163,4\pm 3,6$, бунда $P<0,05$. Текширилаётган талаба қизларнинг тана вазни мувофиқ тарзда $\bar{X}=55,6\pm 5,0$ ва $\bar{X}=57,1\pm 4,7$ бунда $P<0,05$.

1-жадвал

Талаба қизларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	I гуруҳ (n = 202)			II гуруҳи (n = 220)			t	P	
		\bar{X}	σ	V	\bar{X}	σ	V			
1	Гавда узунлиги, см	161,2	3,8	2,5	163,4	3,6	2,2	2,9	<0,05	
2	Тана вазни, кг	55,6	5,0	8,9	57,1	4,7	8,2	2,2	<0,05	
3	Кетле индекси, кг/м	21,3	1,6	7,5	21,4	1,7	8,1	0,2	>0,05	
4	Кўкрак қафаси айланаси, см:	Тинч ҳолатда	83,0	3,7	4,5	83,4	4,0	4,8	0,7	>0,05
		Нафас олганда	86,0	3,6	4,2	86,4	3,9	4,6	0,6	>0,05
		Нафас чиқарганда	80,9	3,7	4,6	81,3	3,9	4,8	0,6	>0,05
5	Штанге пробаси	50,6	1,5	6,3	51,4	1,4	7,2	0,4	>0,05	
6	ЎТС (л)	3,4	1,2	7,2	3,3	1,1	6,9	0,2	>0,05	
7	Ўнг қўл панжаси динамометрияси, кг	27,0	0,24	2,1	25,4	0,3	2,0	1,9	>0,05	
8	Чап қўл панжаси динамометрияси, кг	23,0	0,17	2,9	22,0	0,1	1,9	1,8	>0,05	

Тана узунлиги ва вазнини мувофиқлигини аниқлаш учун Кетле индексидан фойдаланилди. Қизларнинг тана узунлиги ва вазни ўртача кўрсаткичи Кетле индекси бўйича I гуруҳда $\bar{X}=21,3\pm 1,6$ кг/м, II гуруҳда $\bar{X}=21,4\pm 1,7$ кг/м дан иборат бўлди, кўрсаткичлар ўртасида сезиларли тафовут кузатилмади ($P>0,05$).

Инсоннинг жисмоний ривожланишини тавсифловчи муҳим кўрсаткич қўл панжалари динамометрияси саналади. I гуруҳ қизларининг ўнг қўл панжаси кучини текшириш давомида қўлга киритилган кўрсатилган қийматлар II гуруҳ вакиллариликдан 1,6 кг юқори чикди, тафовут ишончли эмас ($P>0,05$). I гуруҳ қизларининг чап қўл панжаси кўрсаткичлари қиймати ҳам II гуруҳ вакиллариликдан 1кг юқори бўлди ($23,0\pm 0,17$ ва $22,0\pm 0,15$ мос равишда, $P>0,05$).

Икки олий таълим муассасаси талаба қизларининг (422) антропометрик кўрсаткичлари таҳлили, қолган ўлчамлар бўйича гуруҳларда ишончли тафовут кузатилмагани, бу гуруҳларнинг бир турлилигидан дарак беради.

Талаба қизлар саломатлигининг кўрсаткичларидан бири жисмоний тайёргарлик даражаси ҳисобланади. Жисмоний тарбия машғулотларининг вазифаси жисмоний сифатларни ривожлантириш, тадқиқотда қизларнинг жисмоний тайёргарлик ҳамда саломатлик ҳолати “Алпомиш” ва “Барчиной” мезонлари асосида баҳоланди.

Жисмоний тарбия дарсларида жисмоний юкламаларнинг талаба қизлар организмига таъсирини аниқлаш мақсадида, ўқув йилининг боши ва охирида жисмоний сифатлар тестдан ўтказилди (2-жадвал).

I ва II назорат гуруҳи талаба қизларининг ҳаракат сифатлари тавсифи (n=211)

№	Меъёрлар	n	Гуруҳлар	Ўқув йили бошида (сентябрь)	Ўқув йили охирида (июнь)	t	P
				$\bar{X} \pm \sigma$	$\bar{X} \pm \sigma$		
1	Чалқанча ётган ҳолатдан гавдани кўтариш, марта (1дақ)	105	I гр.	32,0±3,5	36,1±3,5	2,2	<0,05
		106	II гр.	32,5±4,9	33,6±4,7	1,9	>0,05
2	Яккачўпда осилиш, (сон)	105	I гр.	15,7±0,12	16,2±0,15	1,8	>0,05
		106	II гр.	14,6±0,20	15,8±0,18	1,9	>0,05
3	Жойида туриб узунликка сакраш (см)	105	I гр.	164,0±16,7	169,4±16,8	2,3	<0,05
		106	II гр.	155,4±13,4	159,4±13,1	2,2	<0,05
4	60 м югуриш (сон)	105	I гр.	11,9±1,3	11,5±1,2	1,9	>0,05
		106	II гр.	11,9±0,8	11,6±0,8	1,7	>0,05
5	30 см баландликдан гавдани олдинга эгиш	105	I гр.	14,2±3,7	15,1±4,0	1,8	>0,05
		106	II гр.	17,3±4,4	19,1±4,4	2,3	<0,05
6	5 дақ югуриш (м)	105	I гр.	810±5,2	850±7,5	1,9	>0,05
		106	II гр.	750±7,5	725±7,5	1,8	>0,05

Гавданинг букувчи мушаклари кучини тавсифловчи чалқанча ётган ҳолатдан гавдани кўтариш тестида I назорат гуруҳи қизларининг ўқув йили бошидаги кўрсаткичлари қиймати $\bar{X}=32,0\pm3,5$, ўқув йили охирида эса $\bar{X}=36,1\pm3,5$ ни ташкил этди, бу мазкур тестлар натижаларининг 12,7%га яхшиланганлигини билдиради. Бироқ II назорат гуруҳи натижалари мувофиқ тарзда $\bar{X}=32,5\pm4,9$ ва $\bar{X}=33,6\pm4,7$, яхшиланиш 3,3% га тенг. Иккала гуруҳда гавданинг букувчи мушаклари кучи 7,8%га ошди. Таъкидлаш жоизки, I гуруҳда жисмоний тарбия дарсларида қўлланиладиган восита ва усуллар гавданинг букувчи мушаклари ривожланишига энг самарали таъсир кўрсатади.

Яккачўпда осилиш тестини бажариш вақти бўйича I назорат гуруҳи талаба қизларида биринчи ва иккинчи ўлчов орасидаги яхшиланиш томон ўзгариш 3,1%ни ташкил этди, II назорат гуруҳида ҳам худди шундай тенденция кузатилди, лекин энди яхшиланиш 8,2%ни ташкил қилди.


Оёқ мушаклари динамик кучини кўрсатувчи жойида туриб узунликка сакраш тестида I назорат гуруҳининг кўрсаткичи II назорат гуруҳининг натижаси билан солиштирилганда 0,7%га юқори бўлди, бунда ўқув йилининг боши ва охиридаги кўрсаткичларда ҳам тафовут бор (мос равишда $\bar{X}=164,0\pm16,7$ ва $\bar{X}=169,4\pm16,8$; $\bar{X}=155,4\pm13,4$, $\bar{X}=159,4\pm13,1$).

Тезкорлик ҳаракат сифати бўйича тест (60 м югуриш) қиймати I назорат гуруҳида ўқув йили бошида $\bar{X}=11,9\pm1,3$, ўқув йили охирида $\bar{X}=11,5\pm1,2$ ни ташкил этди, 0,4 сония тафовут яхшиланиш томонга бўлди. II назорат гуруҳида мувофиқ тазда $\bar{X}=11,9\pm0,8$; и $\bar{X}=11,6\pm0,8$; гуруҳлар орасида ва биринчи ҳамда иккинчи ўлчашлар орасида жиддий ишончли тафовутлар кузатилмади ($P>0,05$).

Талаба қизлар эгилувчанлигини тавсифловчи кўрсаткичлар I назорат гуруҳида ўқув йили боши ва охиридаги қийматлар орасидаги тафовутлар йўқлигини, II назорат гуруҳида эса бунинг акси кузатилганини кўрсатди (мувофиқ тарзда $\bar{X}=17,3\pm 4,4$ ва $\bar{X}=19,1\pm 4,4$, ўқув йили боши ва охирида $P<0,05$).

Чидамлилиқни аниқловчи тест 5 дақ. югуриш натижалари таҳлилига кўра, I назорат гуруҳи қизлари даслабки кўрсаткичи $\bar{X}=810\pm 5,2$, ўқув йили охирига келиб 40 м узун масофани босиб ўтганлар. II назорат гуруҳи қизларида бунинг акси юз бериб, уларнинг иккинчи марта босиб ўтган масофалари ўқув йили бошидан 25 м қисқа эканлиги маълум бўлди.

Ўзбек жанг санъати спортга йўналтирилган миллий спорт турига хос техник усуллар таснифи ишлаб чиқилди ҳамда комплекс машқлари уларнинг соғломлаштирувчи йўналиши ва ҳаракат сифатларига кўрсатувчи таъсири белгилари бўйича табақалаштирилди (3-расм).



3-расм. Ўзбек жанг санъати миллий спорт тури техник усулларининг таснифланиши.

Келтирилган тасниф схемасини кўриб чиқиб, шуни сезиш мумкинки, ўзбек жанг санъатининг барча жанговор усуллари иккита асосий гуруҳга: ҳужум ва ҳимоя гуруҳларига тақсимланган. Бунда мазкур схеманинг ҳар бир

гурухи усуллар операциясининг алоҳида тизими ҳисобланиб, уларни дидактик тамойилларини қўллаган ҳолда ўрганиш, талабаларга бу спорт турининг жангвор усуллари тизимини аниқроқ ва ишончлироқ ўзлаштириб олиш имконини беради.

Олий таълим муассасалари талаба қизларининг жисмоний тайёргарлик даражасини тадқиқ этиш асносида олинган натижаларни умумлаштириб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

- жисмоний тарбияга ихтисослаштирилмаган олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия бўйича ишчи дастурлари талаба қизлар жисмоний тарбияси олдида қўйилган вазифаларни тўла ҳал қилмайди;

- жисмоний тарбия машғулотларида қўлланадиган восита ва усуллар талаба қизларнинг талабларига жавоб бера олмайди;

- талаба қизларни оммавий жисмоний тарбия ва соғломлаштирувчи гимнастика шаклларида, спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш бўйича доимий ишлар амалга оширилмайди;

- академик жисмоний тарбия машғулотларида талаба қизларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш, саломатлигини мутаҳкамлашга ёрдам берадиган янги инновацион технологиялар, йўналтирилган спорт турлари қўлланилмайди;

- талаба қизларнинг жисмоний тарбия машғулотлари учун кластер модуллари ишлаб чиқилмаган;

- олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия бўйича ишчи дастурлар мазмунини кенгайтириш, чуқурлаштириш ва аниқлаштириш, уларнинг янги шалларини яратишга доир илмий тадқиқотлар талаб даражасида амалга оширилмаган.

Шундай қилиб, талаба қизларнинг жисмоний тайёргарлиги ва мотивацион омилларини ўрганиш, “Жисмоний тарбия ва спорт” фани ўқув дастурининг мазмунини тузатиш ва тўлдириш йўллари аниқлашга имкон берди, уларнинг жорий этилиши натижасида “Жисмоний тарбия ва спорт” фанидан олий таълим муассасаларида таҳсил олиш мобайнида қизларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланишига самаралироқ таъсир кўрсатишга ёрдам беради.

Диссертациянинг **“Ўзбек жанг санъатининг спортга йўналтирилган комплексларидан фойдаланган ҳолда олий ўқув юртлари талаба қизларининг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш методикаси”** деб аталган тўртинчи бобида ўзбек жанг санъати миллий спорт турининг комплекс машқларини, уларнинг соғломлаштирувчи йўналиши ҳамда талаба қизларнинг ҳаракат сифатларига таъсири, белгиларига кўра табақалаштириш амалга оширилган; педагогик тажриба ўтказиш дастури ишлаб чиқилган; ўзбек жанг санъати асосида ишлаб чиқилган жисмоний тарбия дастурининг мазмуни очиқ берилган ва уни олий таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия ўқув жараёнига татбиқ этиш самарадорлиги асослаб берилган.

Экспертлар сўрови натижаларига асосан ўзбек жанг санъати комплекслари жисмоний сифатларни устувор ривожлантиришга кўра табақалаштирилган (3-жадвалга қаранг).

**Ўзбек жанг санъати комплексларининг жисмоний сифатларни
устувор ривожлантиришга кўра табақалаштирилиши**

№	Саломатликни мустаҳкамлаш ва жисмоний сифатларни ривожлантириш учун ўзбек жанг санъатининг асосий комплекс машқлари	Керакли ҳаракат сифатлари					
		Куч	Тезкор-куч	Тезлик	Этилувчанлик	Чакқонлик	Чидамлик
1.	Ватан	+				+	+
2.	Қалқон	+		+			+
3.	Истиқлол	+	+			+	
4.	Баркамол авлод	+	+				
5.	Бердок			+	+		
6.	Амир Темур		+	+		+	
7.	Жалолiddин Мангуберди			+			+
8.	Паҳлавон Махмуд	+		+			
9.	Алпомиш	+	+			+	
10.	Бобур Мирзо	+	+			+	
11.	Тўмарис		+		+		
12.	Широк		+		+		
13.	Темур Малик	+					+
14.	Ал-Хоразмий			+			+
15.	Ибн Сино		+	+			+
16.	Мирзо Улуғбек			+			+
17.	Ал-Фарғоний	+		+		+	
18.	Абу Наср Фаробий		+		+		
19.	Спитамен				+		+
20.	Алишер Навоий	+	+				
21.	Мустақил Ўзбекистон	+			+	+	
22.	Етти тирсак	+	+			+	+
23.	Абу Райхон Беруний		+	+			
24.	Ат Термизий	+	+				
25.	Камолиддин Бехзод			+		+	+
26.	Камолот		+		+		
27.	Ал-Бухорий	+					+
28.	“Ассалом тонг” соғломлаштирувчи гимнастикаси				+		+

Спорт метрологиясининг самарали усулларида бири бўлган эксперт баҳолаш усулидан фойдаланган ҳолда, комплексларнинг бутун йиғиндисини (28) талаба қизларнинг муайян у ёки бу жисмоний сифатларига устувор таъсир этишига қараб ажратиб табақалаштирилди.

Ўқув йилига мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастуримиз таълим муассасалари талаба қизлари ҳаракат фаоллигини оптималлаштириш муаммосини ҳал қилишнинг ҳақиқий механизмларини яратишга қаратилган уринишдир. Дастур талаба қизларнинг қизиқишлари, саломатлик ҳолати, жисмоний тайёргарлиги ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ҳамда индивидуаллаштирилган ёндошув асосида ишлаб чиқилган.

Ўқиш ва ўқишдан ташқари машғулотларни услубий тузилмаси жисмоний тайёргарликни баҳолаш ва организмнинг жисмоний юкламага бўлган реакциясини мажмуавий назорат қилиш орқали амалга оширилди.

Мазкур дастурни қўллашда материаллар машғулотларда спорт педагогикаси тамойиллари (жисмоний тарбия жараёнининг узлуксизлиги, юклама ва дам олишнинг ўзгариши, таълим-тарбия таъсирини кучайтириш, юклама динамикасини мослаштириб мувозанатлаштириш, машғулотларнинг циклик тузилиши ва жисмоний тарбиянинг ёш хусусиятига мослиги)дан изчил фойдаланиш асосида ўзлаштирилди.

Ишлаб чиқилган дастур иккита олий таълим муассасаларида (ЎЗМУ, ТДСИ) олиб борилган педагогик тажриба давомида қўлланилди.

Ўзбек жанг санъати спорт турининг табақалаштирилган комплекс машқларини қўллаган ҳолда жисмоний тарбия академик машғулотларини ташкил этиш асослари қуйидаги хусусиятлардан иборат бўлди:

• ўзбек жанг санъати комплексларини муайян мушак гуруҳларига чегаралаб таъсир кўрсатувчи тезкор-кучни ривожлантиришга қаратилган машқлар;

- юклама ҳажми ҳафтасига икки соат;
- юклама шиддати 130-150 зар/дақ (аэроб режим);
- ҳаракат йўналишини ўзгартириш;
- эгилувчанликни ривожлантиришда кўп карра такрорлаш ва статик чўзиш қоидасини қўллаш;
- ҳар хил турли мусиқалар жўрлигидан фойдаланиш;
- куч, чидамлилиқ, эгилувчанлик, ҳаракат координациясига эришиш учун ҳар хил дастурлардан фойдаланиш ва уни янгилаб туриш.

Машғулотни ташкил этиш ва уларнинг умумий тузилиши, машғулоти қисмлари мақсади, вазифалари жисмоний тарбияда умум қабул қилинган шундай жиҳатлар билан бир хил, фақат мазкур мақсадларга эришиш воситаларидагина фарқ мавжуд эди.

Татбиқ этилган гуруҳларда машғулотларнинг типик схемаси қўлланилди. Ҳар иккала гуруҳда тайёргарлик ва яқунловчи қисмлар умумий йўналиш ҳамда мазмунга эга бўлди. Машғулотнинг асосий қисми умумий қабул қилинган дарс мазмунидан фарқланади. Биз ишлаб чиққан дастур бўйича дарснинг асосий қисмида комплекслар тўртта гуруҳда тақдим этилди. Аэроб йўналишдаги комплекслар, кучга йўналтирилган комплекслар, тезкор-кучга йўналтирилган ва координацион йўналишдаги комплекс машқлар (4-жадвалга қаранг).

Академик жисмоний тарбия дарсларида талаба қизларнинг юрак қисқариш сонининг кўрсаткичлари

Дарс қисмлари		Давомийлиги, дақ.	ЮҚС	
			зарб/дақ.	Максималдан %
Тайёрлов		15-20	90-110	45-50
Асосий (45-60) дақ.	Аэроб йўналишдаги комплекслар	15-25	130-150	60-70
	Куч йўналишдаги комплекслар	20-25	110-120	50-60
	Тезкор-куч йўналишдаги комплекслар	15-25	140-160	70-80
	Координацион йўналишдаги комплекслар	15-20	120-140	50-60
Якуний		10-15	75 - 90	30-50

Аэроб йўналишдаги комплекслар таркибига шуғулланувчиларнинг функционал тайёргарлик даражасини ривожлантирувчи машқлар киритилди. Кучга йўналтирилган комплекслар шуғулланувчиларни гимнастика скамейкасида ўтириб гавдани кўтариш меъёрини бажариш учун қаратилди.

Тезкор-кучга йўналтирилган комплекслар қуйидаги меъёрларни бажаришга тайёргарлик кўриш учун мўлжалланган машқлардан иборат эди: 100 м югуриш, 30 сония арқонда сакраш, жойида туриб узунликка сакраш, югуриб келиб узунликка сакраш.

